



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори ўринбосари

Ж.Ф. Мирсаидов

2016 йил «22» июл

“Ўзстандарт” агентлиги Аккредитация Кенгаши сертификатлаштириш идораларининг 2016 йил I – ярим йиллик яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши 197 - сонли баёни

2016 йил 22 июл

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Мирсаидов Ж.Ф. - “Ўзстандарт” агентлиги
Бош директор ўринбосари

Қатнашдилар:

Аккредитация
Кенгаши раиси Алимов Ш.Б.

Аккредитация
Кенгаши аъзолари Абдуқаюмов А.А., Мўминов Н.Ш.,
Ходжаев С.А., Шамсутдинова М.А.,
Фармонов Д.Р., Климушин Г.З., Турсунов Ш.А.

“Ўзстандарт” агентлиги бошқарма ва тизим
ташкилот раҳбарлари ҳамда
сертификатлаштириш идоралари раҳбарлари.
(рўйхат буйича)

КУН ТАРТИБИ

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2016 йил I-ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан ҳисобот даврида бажарилган ишлар натижалари тўғрисида.

II. 2016 йилнинг I-ярим йиллиги давомида аккредитация ва инспекция назорати буйича амалга оширилган ишлар, муаммолар ва келгусидаги режалар тўғрисида.

III. Мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятида техник регламентларни роли тўғрисида.

IV. 2016 йилнинг I-ярим йиллиги давомида “Test Food” МЧЖ ҳузуридаги озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш органида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ечими тўғрисида.

V. Ходимларни сертификатлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида.

VI. “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга жорий этишда амалга оширилган ишлар тўғрисида.

VII. Бошқа масалалар.

(Мирсаидов, Алимов, Мелибоев, Гафурова, Азизов, Аллаберганова, Тохиров, Мирсаидов)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2016 йил 15 июлда бўлиб ўтган мажлис баёнида қайд этилишича, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми - 6,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари - 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми - 17,5 фоизга, чакана товар айланмаси - 14,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажмлари - 12,9 фоизга, ўсди. Давлат бюджета ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ишлаб чиқаришни технологик ва техник жиҳатдан узлуксиз янгилаш, замонавий инфратузилмани шакллантириш юзасидан қурилаётган чоратадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларининг 11,8 фоизга, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажмларининг 17,2 фоизга ўсишини таъминланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1,5 бараварга ўсди.

2016 йил 1-ярим йиллигида жами 955 та норматив ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатига олинди, ҳамда норматив ҳужжатлар давлат фонди, 413 та ГОСТ Р, 462 та ГОСТ ва 171 та ИСО, жами 2001 та янги норматив ҳужжатлар билан тўлдирилди.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурига асосан 4 та умумий техник регламентлар тасдиқланди ва қабул қилинган техник регламентлар сони 14 тага етказилди.

Йил бошидан буён жами 63 786 та мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди (шундан, ҳудудий ССМлар 25 818 та), жумладан 1938 та тан олиш йўли билан ва 411 та декларациялаш йўли билан.

Маҳсулотларни мувофиқлигини баҳолашда жами 2 млрд 134 млн 217 минг сўмлик маҳсулотлар яроқсиз деб топилган.

Аккредитация соҳасида жорий йилнинг I-ярим йиллигида мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитация қилиш ва аккредитация доираларини

кенгайтириш бўйича жами 181 та мурожаатлар келиб тушди, шундан 2 та махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш органлари, 11 та синов лабораториялари, 11 та метрология хизматлари, 2 та сифат тизимларини сертификатлаштириш органлари, 2 та ходимларни сертификатлаштириш органлари, 7 та инспекция органлари аккредитация қилинди, ҳамда 46 та мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитация доиралари кенгайтирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1- ярим йиллигида Республика, Тошкент шаҳар, Қашқадарё ҳамда Ўзбек-Турк Тест марказларининг синов лабораториялари халқаро даражада аккредитация қилинди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида 125 та мувофиқликни баҳолаш идораларида инспекция назоратлари ўтказилди.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқод институти томонидан жорий йилнинг I-ярим йилликда 1578 нафар (шундан 296 нафари “Ўзстандарт” агентлиги тизими мутахассислари) мутахассисларнинг малакалари оширилди, шундан 1282 нафари иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб борувчи мутахассисларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги 2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги 86-сонли қарорига асосан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг 4-бандига мувофиқ маиший ва бошқа энергия сарфловчи ускуналарнинг энергетик самарадорлигини ёрлиқлашга умумий талабларни белгилаш мақсадида қабул қилинган O'z DSt 3017:2015 давлат стандартига мувофиқ жами 16 та синов лабораториялари ҳамда 10 та сертификатлаштириш идораларининг аккредитация доиралари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунини амалиётга янада кенг жорий этиш мақсадида:

1465-сон билан рўйхатга олинган “Махсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида Низом”га;

1458-сон билан рўйхатга олинган “Махсулотларни сертификатлаш қоидалари”га;

901-сон билан рўйхатга олинган “Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарлар (махсулотлар)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га тегишли ўзгартиришлар киритилди ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, келгусида уларни такрорланишини олдини олиш ҳамда режалаштирилган ишларни тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида, Аккредитация Кенгаши **тавсия қилади:**

1. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида техникавий сиёсат ва сифат тизимлари ҳамда Аккредитация ва инспекция назорати бошқармаларининг 2016 йил 1-ярим йилликда олиб борган ишлари бўйича ҳисоботи **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. АИНБ (Ш. Алимов)га:

2.1. Сертификатлаш идоралари ва синов лабораторияларининг фаолиятини қатъий назоратга олиш.

2.2. Йўналишлар бўйича сертификатлаш идораларининг ҳисоботларини ҳар чорак якунлари билан эшитиш ва тегишли таклифларни раҳбариятга киритиш.

2.3. Синов лабораторияларини аккредитация жараёнида уларнинг лабораториялараро синовларда иштирок этганлигини ва унинг натижаларини инобатга олинишини таъминлаш.

2.4. Сертификатлаш идоралари ва синов лабораторияларини олиб борилаётган ишлардан хабардор қилиш мақсадида ахборот алмашинувини такомиллаштириш ва турли ўқув-семинар тренинглар ўтказиш чораларини кўриш.

2.5. Халқаро тажрибани ўрганиш ва амалга тадбиқ этиш мақсадида сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари ходимларини хорижий давлатларга хизмат сафарига чиқишларини ташкил этиш.

3. МТСТС ва СТЖЭБ (О. Тоҳиров)га:

3.1. **5 кун муддатда**, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2015 йил 30 декабрда 2748-сон билан рўйхатга олинган “Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомни қайта кўриб чиқиш ва соҳага оид ишларни такомиллаштириш мақсадида, персоналларни сертификатлаштириш идоралари масъул ходимлари иштирокида ишчи гуруҳ тузиш.

3.1.1 **15 кун муддатда** Ишчи гуруҳ, ходимларни сертификатлаштириш классификаторини ишлаб чиқсин.

3.2. Мувофиқликни баҳолаш тизимида юзага келаётган муаммо ва таклифларни ўрганиш ҳамда уларни ечиш бўйича тегишли чораларни кўриш.

3.3. Ўрнатилган талабларга мос келмаган ва мувофиқликни тасдиқлаш жараёнларида салбий натижа кўрсатган яроқсиз маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар, вақтинча амал қилиши тўхтатилган ёки бекор қилинган мувофиқлик сертификатлари, сертификатлаштиришга рад жавоби берилган мурожаатчилар (маҳсулот) рўйхати ҳамда сертификатлаш субъектларига зарур бўлган тезкор маълумотлар “Ўзстандарт” агентлигининг сайтига мунтазам жойлаштирилиб борилиши таъминлаш.

3.4. Мавжуд сертификатлаштириш чизмаларини қўллаш бўйича аниқ тушунтириш бериш ёки лозим бўлган тақдирда ушбу чизмаларни қайта кўриб чиқиш.

3.5. Синаш имкониятига эга бўлмаган маҳсулотларни доимий таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларини сертификатлаштириш идораларига етказиш.

3.6. Чўғланма лампаларни сертификатлаштириш ишларини қатъий назоратга олиш.

4. СМСИТИ (А. Мустафаевга):

4.1. “Ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги экспертлар” O‘z DSt 8.026:2007 давлат стандартини МХКМ (Ф. Саматов) билан биргаликда қайта кўриб чиқиш.

4.2. Мутахассисларни малакасини халқаро даражада ошириш тадбирлари белгиланганлиги қайд этилсин ва уни ижроси юзасидан олиб борилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни билан “Ўзстандарт” агентлигига маълумот киритиш.

4.3. Сертификатлаштириш идоралари раҳбарлари ва мустақил экспертлари учун маҳсулотларнинг хавфсизлик талаблари яъни, санитария қоидалари ва меъёрлари ҳамда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 1458 ва 1465-сонли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар ва тасдиқланган техник регламентларни амалиётга жорий этиш бўйича ўқиш курсларини ташкил этиш.

5. Лабораториялараро солиштирув синовларини ўтказиш бўйича координаторлар 2016 йилги режаларига асосан ишларни давом эттириш ва ҳисоботларини ҳар чоракда АИНБ га тақдим этиш тавсия этилади.

6. Аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари раҳбарларига:

6.1. **2016 йил 15 августга қадар**, ҳар бир сертификатлаштириш идораси ўзининг 2016 йил II ярим йиллик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиб АИНБ га тақдим этиш: Унда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

- сертификатлаштириш жараёнларини буюртмачи ва қизиқувчи томонларга очиқ (транспарент) ва тушунарли шаклда етказиш борасида интернет сайтларини такомиллаштириш;

- синов лабораториясини замонавий ўлчов воситалари ва синов жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда янги синов услубияларини ўзлаштириш;

- тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида сертификатлаштириш учун тақдим этиладиган буюртмаларни интернет орқали онлайн тарзда қабул қилиш тизимини амалга киритиш;

- ўз фаолиятларини оммавий ахборот воситаларида доимий равишда ёритиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда “Ўзстандарт” агентлигига маълумот киритиб бориш.

6.2. Давлат божхона қўмитасининг “Ягона ойна” электрон тизими ишга туширилиши муносабати билан **2 ҳафталик муддатда** юқори тезликдаги VPN алоқа тизимини таъминлаш, мавжуд электрон калитларни соз ҳолга келтириб, тест режимида ишлатиш ҳамда босқичма-босқич аризаларни киритиб, тизимни ишлаш ҳолатини текшириб, амалга оширилган ишлар юзасидан “Ўзстандарт” агентлигига батафсил маълумот киритиш.

6.3. Қабул қилинган техник регламентлар асосида сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида, аккредитация доираларини кенгайтириш.

6.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божхона

қўмитасининг электрон дастурига мувофиқлик сертификатларини ўз вақтида киритилишини ҳамда аризаларни мониторинг қилиш дастурига маълумотларни тўлиқ киритилишини таъминлаш;

6.5. Маҳсулотлардан наъмуна танлаш ва уларни идентификация қилишда эксперт-аудитор иштирокини таъминлаш ва жараёни тўлиқ фотосуратларга тушириш;

6.6. Маҳсулотларни баҳолаш, жумладан ишлаб чиқариш шароитини текшириш жараёнида корхонанинг метрологик таъминоти ва норматив ҳужжатларни рўйхатга олинган нусхаларидан фойдаланишини доимий равишда назорат қилиш;

6.7. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сертификатлаштириш ишларини 4-чизма буйича амалга ошириш;

6.8. Барча синов лабораторияларини, ўтказиладиган лабораториялараро солиштирув синовларида иштирок этишларини таъминлаш;

6.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги 86-сон қарорига мувофиқ 2016 йил 1 июлдан электр самарадорликнинг тегишли классификациясидаги ахборотлар мавжуд бўлмаган маиший электр приборларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш таъқиқланганлиги сабабли, электротехника маҳсулотларини сертификатлаштиришда ушбу талабга қатъий риоя қилиш ҳамда маиший ва бошқа энергия сарфловчи ускуналарнинг энергетик самарадорлигини ёрликлаш O'z DSt 3017:2015 давлат стандарти асосида амалга ошириш;

6.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 299-сон қарорига мувофиқ 40 Вт дан юқори чўлғам лампалар 2016 йилнинг 1 июлидан эркин муомалага чиқариш ва 2017 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш таъқиқланганлиги боис:

- чўлғанма лампаларни сертификатлаштиришда ушбу қарор талабига ҳамда O'z DSt 2898:2014 давлат стандартида белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш;

- чўлғанма лампаларни бошқа номлар билан (шу жумладан, ёритиш ускуналари, термоизлучатель, светильник ва б.қ.) сертификатлаштиришни чеклаш;

6.11. Сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назоратини амалга ошириш жараёнида, амал қилиш муддати тугаётган меъёрий ҳужжатларни қайта расмийлаштириш мақсадида корхона раҳбарига тегишли кўрсатма бериш ва бу ҳақда “Ўзстандарт” агентлигига маълумот киритиш.

Кенгаш раиси



Ш.Алимов